



Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азиятларни, сизлар орқали бутун халқимизни энг буюк, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Биз учун янги давр, эркин ва озод ҳаётни бошлаб берган шу қутлуғ санада халқимиз қандай машаққатли ва айни вақтда шарафли йўлни босиб ўтганини яна бир бор чуқур ҳис эта-миз.

Мана шундай улуг айёмда бутун ҳаётини озодлик учун курашга бағишлаган, бу йўлда жон фидо қилган ота-боболаримиз, мард ва жасур юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси, Биринчи Президентимиз муҳтарам Исроҳим Абдуғаниевич Каримовнинг барҳаёт номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламиз.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзо-си бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари да-дил қадам қўймоқдамиз.

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсади-да Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Бу ноёб ҳужжатда белгилан-ган улугвор вазифаларни рўйбга чи-қаришга қатъий киришганимиз биз учун янги уфқ ва имкониятлар очиб бермоқда.

Дунё миқёсида рақобат кескинла-шиб бораётган ҳозирги мураккаб давр-да мамлакатимизни илм-фан ютуқла-ри, юқори технологиялар асосида мо-дернизация қилиш ва янгилаш энг муҳим вазифамизга айланмоқда. Ана шундай ўткир талабни чуқур англа-ган ҳолда, биз 2018 йилни юртимиз-да **Фаол тадбиркорлик, инновацион**

ғоялар ва технологияларни қўллаб-қув-ватлаш йили, деб эълон қилдик.

Бу борада қабул қилинган Давлат дастурида 11 триллион 200 миллиард сўм ва 1 миллиард 300 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур иж-росини таъминлаш учун кенг қўлам-даги улкан ишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда **фаол инвестиция сиё-сати** юритилмоқда, замонавий корхо-налар барпо этилмоқда, солиқ тизи-ми тубдан ислоҳ қилиниб, тадбиркор-лик ва хусусий мулкни ривожланти-риш, барча соҳа ва тармоқларда ин-новация, илм-фан ютуқлари, янги-ча ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ ҳўжалигида замонавий, ис-тиқболли тармоқларга асос солиш, кластер тизimini йўлга қўйиш, фер-мер ҳўжаликларининг натижадорли-гини кучайтириш бўйича амалий иш-лар олиб борилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муно-сабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳуку-матлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши да-вом этмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақам-соғлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинч-лик-осойишталик ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Туркменистон халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шах-сан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали қардош ўзбек халқига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрик ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Яқинда Оролни қўқариш халқаро жамғармаси таъ-сисчи давлатлари саммити доирасида бўлиб ўтган уч-рашувиимизни катта мамнуният билан эслайман.

Ушанда очкилик ва ишонч муҳитида ўтган музокара-ларда Туркменистон — Ўзбекистон дўстлиги ва ҳам-корлигини янада ривожлантиришга бирдек интилиши-миз яна бир бор ўз тасдиғини топди.


Биргаликдаги сайё-ҳаракатларимиз билан мамла-катларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари халқ-ларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам мустақ-камлашиб боришига қатъий ишонаман.

Ушбу қўлай фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳта-рам Шавкат Миромонович, мустақам соғлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фа-ровонлик ва раванг тилаб қоламан.

Чуқур ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти

► Давоми 2-бетда.



МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ СУҲБАТЛАР

Пойтахтимиз Тошкентнинг юраги ҳисобланган, халқимизнинг муқаддас гўшаларидан бири бўлган Мустақил-лик майдони шу қўнларда ҳар қачон-гидан гўзал, файзли ва гавжум. Бай-рам кайфияти, шукроналик туйғулари ҳамюртларимизни бу гўшага бошлаб келмоқда. Хориқлик меҳмонлару сай-ёҳлар ҳам бу майдонга катта ҳавас ва эҳтиром билан қадам қўйишмоқ-да.

Кеча муҳбирларимиз Мустақил-лик майдонида бўлиб, ҳамюртлари-миз ва меҳмонлардан айримлари-нинг дил сўзларини ёзиб олишди.



Марк ХАЙИМОВ,
АҚШ, Нью-Йорк:

— Аслида Ўзбекистонда туғилиб, ўсган-ман. Шу ерда таълим олдим. Техник тиш-шифокори мутахассислигига ўқидим ва 1990 йилга қадар шу ерда ишладим. Так-дир тақозоси билан Америкага кўчиб кет-дик. Тўғри, аввалига у ерга мослашиш осон бўлмади. Чунки тили, дунёқараш, менталитети бир-бирдан бутунлай фарқ қилади. Одам қўниқувчан бўлади. Биз ҳам кўниқдик.

Ўзбекистон киндик қонимиз тўкилган жой. Ҳамиша мени ўзига чорлаб туради, ўзгаришларни доимо кузатиб бораман. Бундан 5 йил аввал келганим. Бу гал ўза-ришлардан лол қолдим. Айниқса, сўнгги 2 йилда амалга оширилган ишлар тушимга ҳам кирмагани, рости. Маданият, маъна-вият, дунёқараш, ҳаётга бўлган муносабат тубдан ўзгарган. Масалан, кеча Халқлар дўстлиги майдонида айланиб юрсам, ор-кестрлар гуруҳи ажойиб мусикалар чалиб, халққа кўтаринки кайфият улашмоқда. Ҳам-мада, ҳамма жойда байрам кайфияти, уйин-кулгу ҳукм сурмоқда.

Агар бир неча йил аввал менга юртин-гизда шундай ўзгариш бўлади, дейишса ишонмаган бўлардим. Шунинг ҳам айтиш ке-ракки, қачонлардир хонасидан ташқарига чиқмаган мансабдор шахсларнинг халқ ичи-да юриши, уларнинг турмушидан бохабар бўлаётгани — бу катта ўзгариш, катта на-тижа. Тўғриси айтсам, Ўзбекистон Пре-зидентини жуда ҳурмат қиламан. Агар им-кон берилса, уни бағримга қаттиқ босиб раҳмат айтган, бир неча дақиқа давомида бағримдан қўйиб юбормаган бўлардим. Халқини уйлаб, қўйиб-пишаётган юрт ра-ҳбарига таъзим қилиш керак. Мен бу ҳақда ҳамма жойда ва ҳаммага баралла айта ола-ман. Шавкат Мирзиёевнинг ҳаётини ва халқ-чил сиёсати бардавом бўлсин. Ўзбеки-стонга келган сайёҳлар эса бу ердаги ўза-ришлардан боши айланаверсин.

4

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мустақиллигининг 27 йил-лиги байрами арафасидаги фармонларига му-вофиқ, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлигини мустақамлаш бораси-даги улкан хизматлари учун бир қатор чет эл фуқаролари Ватанимизнинг юксак мукофот-лари билан тақдирланган эди.

31 август куни мамлакатимиз тарихида бирин-чи марта чет элликларга Ўзбекистон Республика-сининг давлат мукофотларини топширишга бағиш-ланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев бугун кўп миллатли халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигини кенг нишонлаётганини, ушбу тари-хий санани биз билан биргаликда давлатимиз-нинг кўп сонли дўстлари ва шериклари — дипло-матик корпус ва халқаро ташкилотлар, йирик хо-рижий компаниялар ва молия институтлари ва-киллари байрам қилаётгани ҳаммамизни қувонти-ришини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат юритмоқда. Россия, Хитой, Жанубий Корея, Гер-мания, Япония, Марказий Осиё давлатлари ва бош-қа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар жадал ривожланмоқда. Дунёнинг етакчи компа-ниялари, халқаро ташкилотлар мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётди.

► Давоми 3-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Респу-бликаси Президенти Сооронбай Жээнбеков-нинг тақлифига биноан 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистонга ташриф буюриб, Туркийзабон давлатлар ҳамкорлиги кенга-шининг Чўппонота шахрида бўлиб ўтади-ган саммитида иштирок этади.



Яхё Имомов (кумуш), Шермуҳаммад Жандриев (олтин), кураш

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди



Мустақиллик — улуг неъмат. Зеро, у барча халқларни жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг, ўз ўрни ва ўз сўзига эга бўлиш бахтига муяссар қиладиган энг азиз байрам.

1991 йил 31 август — мамла-катимиз ана шундай тарихий ютуққа эришган буюк сана. Аждодлари-мизнинг асрий орузи ушалган, миллий ўзлгимиз, қаддимиз ва қадимизни тиклаган бу кўнни хал-қимиз ҳар йили катта шодиена бил-лан нишонлайди.

Мустақилликнинг кадр-қиммати ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққи-ётининг янги босқичига қадам қўйиб,

барча соҳа ва тармоқларда туб ис-лохотлар амалга оширилмоқда, де-мократик янгилашни жараёнлари кечмоқда. Ўтган давр эркин ва фа-ровон ҳаётни, буюк келажақни фа-қат ва фақат мустақиллик асосида-гина қуриш мумкинлигини кўрсат-ди.

Шу маънода, мамлакатимиз ис-тиқлолини, у билан боғлиқ тари-хий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг муҳиятини чуқур англаш ва қадр-лаш, ҳар томонлама муносиб ни-шонлаш ижтимоий-сиёсий, маъна-вий ҳаётимизда алоҳида ўрин ту-тади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг 2018 йил 28 июндаги қарорига

мувофиқ, Ўзбекистон Республика-си давлат мустақиллигининг йиғир-ма етти йиллик байрамига катта тайёргарлик кўрилди.

Асосий тантаналар 31 август куни «Ўзбекистон» халқаро анжу-манлар саройида бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари ва-киллари, ҳукумат аъзолари, вазир-лик ва идоралар ходимлари, тур-ли соҳаларда фаолият юритаётган юртдошларимиз, дипломатик кор-пус ва халқаро ташкилотлар вако-латхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Саройга Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди.



Вадим Меньков, байдарка ва каноэда эшак эшиш

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Осиё ўйинларининг 13 куни якунлари бўйича 15 олтин, 19 кумуш ва 23 бронза медалини қўлга киритган Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида 7-ўринда боришмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ана шундай улкан саяё-ҳаракатларимиз натижасида юртимизда макрониктисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Биз учун энг устувор вазифа бўлган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгилашни нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирмоқда. Одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, қишлоқда турмуш маданияти ошиб бормоқда.

Бутун мамлакатимизни қамраб олган мажмуа дастурлар доирасида 416 та қишлоқ ва 105 та маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Буларнинг барчаси жонажон Ўзбекистонимизнинг янги, обод қиёфасини яратиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Аҳолиимизнинг замонавий уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жорий йилда 13 минг 900 дан зиёд оилага мўлжалланган 335 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилди. Йил охиригача бу рақам 2017 йилга нисбатан 2 баробар кўпаяди.

Ана шу йўналишдаги ишлар қишлоқ жойларда ҳам янгилашган лойиҳалар асосида олиб борилаётган. Ҳозирги кунга қадар қишлоқларда 40 мингта оила янги хонадонларга кўчиб кирди.

Бу борада биз илгари етарлича эътибор бермаган муҳим масала — яъни, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Бунинг тасдиғини ўтган 2 йилда 1000 нафардан ортиқ шу тоифага мансуб инсонлар уй-жой билан таъминлангани мисолида кўриш мумкин.

Албатта, барчамизни хурсанд қиладиган бундай ўзгаришлар минг-минглаб оилалар ҳаётига шодлик ва бахт олиб келмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётда мана шундай қувончли воқеалар юз берганда инсоннинг қалди ҳам, қадри ҳам кўтариллади. Бундай дамларда адолат ҳақида гапирмасангиз ҳам одамлар ҳақиқат ва адолат борлигига ишонади.

Илоҳим, юртимизда уй тўйлари, ҳовли тўйлари янада кўпайсин, бу хонадонларда янги ҳаёт бошлаётган одамлар мурод-мақсадига етсин!

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир оилда тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Кейинги икки йилда мамлакатимиз бўйича 700 мингдан ортиқ юртдошларимиз иш билан таъминлангани, тижорат банклари томонидан тадбиркорларга 25 триллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани ана шундай саяё-ҳаракатлар натижасидир.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз мамлакатимизда қандай дастур ва режалар қабул қилсак, уларнинг барчасида умидимиз, келажакимиз бўлган ёшларимиз манфаатларини алоҳида ҳисобга олмоқдамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда янги олий ўқув юртлири, хоржиди нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилаётгани, қабул квоталари оширилгани, кўпгина йўналишлар бўйича сиртқи бўлимлар очилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни вақтда буюк алломаларимиз номидаги махсус мактаблар, ҳудудларимизда атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари иш бошлагани, ёшларимиз ўртасида турли танлов ва фестиваллар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётгани уларнинг илмий ва ижодий камолотида катта роль ўйнамоқда.

Жамиятимизда «Қонуи ва адолат — устувор», «Жинойятга жазо муқаррар» деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар тўғрисида биз йиллар давомида деярли унутиб қўйган тартиб-интизом, қонуи-қоида, одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар ҳаётимизда тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

Халқимизга хос кечиримли, раҳм-шафқатли

бўлиш, бағрикенглик ва олижаноблик фазилатлари асосида жамиятимизда соғлом ижтимоий муҳит мустаҳкамланиб бормоқда.

Билиб-билмай нотўғри йўлга кириб қолган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар шахс Мустақиллик байрами муносабати билан афв этилгани шу эзгу ишларимизнинг давоми бўлди.

Тасаввур қилинг, 261 инсон тақдиридаги бундай ўзгариш — бу аввало уларнинг оиласи, фарзандлари, ота-оналари, яқинлари ҳаётига нур олиб кирди, қувонч олиб кирди, деганидир.

Азиз юртдошлар!

Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтиш мумкин: бутун жамиятимизни қамраб олаётган ана шундай эзгу ишларимиз тўғрисида ҳаётимизда файзу барака, миллатлараро дўстлик ва меҳр-оқибат тўғрисида кучайиб бормоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатимиз эл-юртимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Халқимизнинг розилиги — бизнинг, биринчи навбатда, Президент сифатида менинг, барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар, депутат ва сенаторлар, бутун давлат идораларининг фаолиятига берилган энг олий ва энг адолатли баҳоидир.

Агар халқимиз биздан рози бўлса, Яратган ҳам албатта рози бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги зарур.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мана, бугун Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган юртдошларимизга ана шу муқофотлар марказида ва жойларда тантанали равишда топширилди.

Ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати билан эл-юртимиз ўртасида катта обрў-эътибор топган бу инсонларни ўз номидан, сизларнинг номингиздан яна бир бор табриклаб, эзгу тилакларимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Жонажон Ўзбекистонимизда, барча шаҳар ва қишлоқларимизда сизлар каби фидойи одамлар сафи янада кенгайиб, олижаноб меҳнатингиз самарасидан аввало ўзингиз, оилангиз, эл-юртимиз баҳраманд бўлсин!

Хонадонларингиздан бахту саодат, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Қадри юртдошлар!

Бугун миллий тараққиётимизнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, биз ютуқларимиз билан бирга хато ва камчиликларимизни ҳам чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш ҳақида ўйлашимиз табиийдир. Чунки бу ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким четдан келиб муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди.

Бу ҳақда сўз борганда, юртимизда халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги ва самарали тизими жорий қилинганини айтиш ўринли, деб ўйлайман. Бугунги кунда халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қила бошлагани учун ҳам одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, эл-юртимиз ўз кучи ва имкониятларига, эртанги кунга ишонч билан қарамоқда.

Шунинг учун бир ҳақиқатни таъкидлаб айтмоқчиман: халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаб, эл-юртимизнинг рози қилиш — бу вақтинчалик кампания эмас. Бу — халқимизнинг фаровон ҳаётини, юртимиз равақини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегиядир.

Азиз дўстлар!

Бугунги таҳликали замонда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч-осойишта, эркин ва обод ҳаётни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифамиз бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда Қуrollи Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини оширишга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз дунё миқёсидаги кескин ва бешафқат рақобатта бардош бериш учун иқтисодий

ислохотларни чуқурлаштириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга эришмоғимиз зарур.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини, ҳусусий мулк ҳақсизлигини янада кенгроқ таъминлаш — олимизда турган муҳим вазифадир.

Бу борада йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга, туризм, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, деҳқон ва томорқа хўжаликларини, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратамиз.

Айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётини янада яхшилаш, кам таъминланган қатламларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида биз «Ёшлар — келажакимиз» Давлат дастурини қабул қилдик. Ушбу дастур ижроси учун шу йилнинг ўзида 786 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида, жумладан, 100 мингдан ортиқ ёшларимизнинг бандлиги таъминланади.

Ёш оилаларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича белгиланган катта ишлар изчил давом эттирилади.

Ҳурматли ватандошлар!

Шу кунларда Индонезияда 45 та мамлакат вакиллари ўртасида бўлиб ўтаётган ёшлар Осиё ўйинларида навқирон спортчиларимиз шижоат ва маҳорат кўрсатиб, 15 та олтин, 19 та кумуш, 23 та бронза медални қўлга киритганлари ҳаммамизга қувонч бағишлайди.

Мамлакатимиз шунингдек тараннум этаётган спортчи ёшларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадри анжуман қатнашчилари!

Биз жаҳон ҳамжамияти билан, барча узоқ-яқин давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада кучайтирмоқчимиз.

Турли халқаро ташкилотлар, нуфузли молия институтлари билан кенг тармоқли ҳамкорликини ривожлантириш бизнинг миллий манфаатларимизга тўла жавоб беради ва биз бу йўлни қатъий давом эттираемиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига сизларнинг номингиздан, ўз номидан самимий ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимизни билдиришга ижозат этгайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрами билан яна бир бор чин қалбдан самимий табриклайман.

Мана шу улғў айёмда барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳрим билан таъзим қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, кўнглимдаги энг эзгу тилакларни билдиришмоқчиман.

Бугун барчамиз нуруний оқсоқоллар, муҳтарам фахрийларимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Мўтабар, дуоғўй онахонларимизга чин юракдан фарзандлик ташаккуримизни билдираман.

Хонадонларимиз кўрки ва фариштаси бўлган мунис аёлларимиз доимо соғ-омон, бахтли-саодатли бўлсинлар! Чунки аёл, она бахтли бўлса — жамият бахтлидир.

Ватанимиз ва халқимизга ўзининг билим ва заковати, маънавий салоҳияти билан хизмат қилаётган илмий ва ижодкор зиёлиларимизга янги-янги ютуқлар ёр бўлсин!

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик янада барқарор бўлсин!

Азму шижоатли ёшларимизнинг, барча фарзандларимизнинг бахту камolini, омадини берсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

САМИЙ КЎТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Қозғистон халқи номидан ва шахсан ўз номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни билан самимий табриклайман.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлатчиликини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш йўлида юксак натижаларга эришди. Шу муносабат билан Сизнинг оқилона ва самарали раҳнамолигингизда мамлакат изчил тараққиётни янада давом эттириши ва кўзлаган эзгу мақсадларига эришини тилайман.

Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги маънавий қадриятлар муштараклиги, кўп асрлик дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорликка асосланган муносабатлар

халқларимиз фаровонлиги йўлида йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Ишончим комил, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга алоҳида суръат бағишлаган биргаликдаги фаолиятимиз давлатларимиз равақининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва туганмас гайрат-шижоат, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Нурсултон НАЗАРБОВ,
Қозғистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Мамлакатингизнинг асосий байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан энг самимий тилакларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон ҳақли равишда муваффақиятли ривожланаётган кўп миллатли демократик ҳуқуқий давлат ҳисобланади, халқаро майдонда катта обрў-эътиборга эга. Минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб масалаларни ҳал этишга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Қардош мамлакатларимиз 2017 йилда эришган сиёсий ҳамкорлик даражаси барча соҳалардаги ўзаро алоқаларни фол ривожлантиришга хизмат қилиб, дўстлик ва яхши қўшничиликнинг юксак намунаси бўлди.

Савдо-иқтисодий шериклик икки

томонлама ҳамкорлигининг алоҳида эътибор талаб қиладиган муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатларимиз чегараолди ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани ҳамда фуқароларимиз давлатларимиз ғамхўрлигининг амалий натижаларини ўз ҳаётида сезаётгани қувонarliдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Сооронбай ЖЭЗНБЕКОВ,
Қирғизистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Беларусь халқи номидан ва шахсан ўз номидан Сизни Мустақиллик куни билан муборакбод этаман.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг юксак натижалари, мамлакатингизнинг Марказий Осиё ва жаҳон майдонидида нуфузи ортиб бораётгани Беларусда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч руҳидаги конструктив муносабатларни мустаҳкамлашга муштарак интилиш икки томонлама мулоқотимизни

самарали ва манфаатли ҳамкорлигининг янги ютуқлари билан бойитишга хизмат қилишига ишончим комил.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, туганмас гайрат-шижоат, уйлаган, барча орзуларингиз ва ниятларингиз рўёбини, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Президент жаноблари!
Ўз номидан ва юртдошларим номидан Сизга ва халқингизга Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни билан самимий табрикларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Ўтган икки йилда Ўзбекистон катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ишонтириб айтаманки, Германия Сизнинг раҳбарлигингизда бошланган ислохотлар ва модернизация жараёнини, жумладан, Сиз амалга ошираётган қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Яқин ойларга режалаштирилган олий даражадаги ташрифлар турли соҳаларни қамраб олган икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун яхши имконият бўлади.

Сизга бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса хуррият, хавфсизлик ва фаровонлик билан йўғрилган порлоқ келажак тилайман.

Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,
Германия Федератив
Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номидан Сизни, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини Мустақиллик куни билан муборакбод этаман ва энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий, маданий ва маърифий алоқалар савдо ва инвестициялар, фан ва технологиялар, туризм ва маданият каби соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорлигимизда ўз аксини топмоқда. Биргаликдаги саяё-ҳаракатларимиз халқларимиз фаровонлиги йўлида ушбу ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Жаноби Олийлари, Сизнинг жорий йилда Ҳиндистонга ташрифингизга катта умид боғланганимиз. Ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ишонамиз.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса муттасил тараққиёт ва равақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Рам Натх КОВИНД,
Ҳиндистон Республикаси
Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:
Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев
Эрон Ислам Республикаси Президенти Ҳасан Рухоний
Жанубий Африка Республикаси Президенти Матамела Сирил Рамафоса
Австрия Республикаси Президенти Александр Ван дер Беллен
Бельгияликлар Қироли Филипп
Исроил Давлати Президенти Реувен Ривлин
Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла Иккинчи
Ўмон Султони Қобус бин Саид
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Чан Дай Куанг
Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти Вин Мьин
Таиланд Қироли Маха Вачиралонгкорн
Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян
МДХ Ихроия қўмитаси раиси — Ижрочи қотиби Сергей Лебедев
Москва ва Бутун Русь Патриархи Кирилл
Рим-католик черкови раҳбари Папа Франциск

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Жорий йилда кўшни давлатлар билан муносабатлар янада фаоллашди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан жорий йил март ойида Остона шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви ўтказилди. Айни пайтда Тожикистон Республикаси билан ҳамкорлигимиз стратегик даражага кўтарилди. Мамлакатларимиз Президентларининг азму шижоати ва узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати тўғрисида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустахкамлаш борасида тарихий ютуқларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари чет эллик ҳамкорларимизга Ўзбекистон билан муносабатларни мустахкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Россиянинг «USM Holding» акциядорлик жамияти тасвирини ва раҳбари Алишер Усмоновга «Эл-юрт хурмати» ордени, Россиянинг «ЛУКОЙЛ» очик акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперов, Германиянинг «КНАУФ» корхоналари гуруҳи иштирокчилари кенгаши аъзоси Николаус Кнауфга «Дўстлик» орденлари, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиiddин Муҳриддинга «Фидокорона хизматлари учун» орденлари, Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим, Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари малакасини ошириш институтининг кардиология кафедраси мудирини Тошпўлат Гулмуродовга «Меҳнат шuhrати» орденлари, Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Қўлғамалар мероси фонди бўлими мудирини Али Муҳаммадиев, Тожикистон Республикаси Геодезия ва ер бошқаруви давлат қўмитасининг чегараларни делимитация ва демаркация қилиш давлат геодезия назорати инспекцияси бошқармаси бошлиғи Ифтихор Жўраев, Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг С.Умаров номлидаги физика ва техника институти бош ходими Раҳим Марупов, Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳасан Бердиқуловга «Дўстлик» орденлари, С.Айнинг номидagi опера ва балет академик театри давлат муассасаси бадий раҳбари Аҳмад Холиков, Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Телевидение ва радио қўмитасининг «Фалак» давлат ансамбли бадий раҳбари Давлат Холловага «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвонларини тантанали равишда топширди.

Россиянинг «USM Holding» акциядорлик жамияти тасвирини ва раҳбари Алишер Усмонов, Россиянинг «ЛУКОЙЛ» очик акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперов, Германиянинг «КНАУФ» корхоналари гуруҳи иштирокчилари кенгаши аъзоси Николаус Кнауф ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлик мақсадида барча давлатлар, айниқса, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаб, юксак эътибор учун Президентимизга чўқур миннатдорлик билдирди.

Президентимиз фармонларида мувофиқ, мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, ўз соҳаларида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз йилгиланларни Мустақиллик байрами, давлат мукофотларига сазовор бўлган билан табриклади.

— Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврига, янги босқичига қадам қўйди. Келажакимизни Ҳаракатлар стратегияси асосида ўз қўлимиз, ўз кучимиз билан барпо этмоқдамиз. Одамларни рози қилишни бугунги сиёсатимизнинг бош мақсади, деб биламиз. «Уйиш», «ривожланиш» деганда фақат рақамларга, миқдор кўрсаткичларига эмас, аввало, улар одамларнинг кундалик ҳаётида, уйи ва дастурхонда қандай намоён бўлаётганига устувор аҳамият қаратмоқдамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда барча жабҳаларда улкан ўзгариш ва янгиланишлар рўй бермоқда. Мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини юксалтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш бўйича кенг қўламли ишохотлар амалга оширилмоқда.

Бу ишларга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг фидокорона меҳнати, Ватанга садоқати билан эл-юртга намуна бўлаётган инсонлар хизмати муносиб қадрланмоқда. Тури саналар ва касб байрамлари муносабати билан ўнлаб фидойи юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланаётди. Жорий йилнинг ўтган даврида турли саналар муносабати билан қўлаб ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Мустақиллик байрами арафасида улар сафи янада кенгайди.

— Сизларнинг кўпчилигингизни яқиндан таниман. Ҳар бирингизни ўз меҳнати, жонқуярлиги ва таъбирсизлиги билан барчага ўрнак бўлаётган ҳурматли инсонлар сифатида қадрлайман, — деди Президентимиз. — Барчангизга тиланим битта — мана шундай ютуқ ва зафарларни қўлга киритишдан ҳеч қачон чарчаманг.

Давлатимиз раҳбари мукофотланганларни яна бир бор Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами билан муборакбод этди ва уларга сўхат-саломатлик, оилавий бахт, меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилади.

ЎЗА

Давоми. Бошланиш 1-бетда.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Одатда, киши туғилган кунни ёки байрамларда яшаган умри, амалга оширган ва улгурмаган ишлари, эришган ютуқларини сарҳисоб қилади. Ҳўш, охириги бир йилда мамлакатимизда қандай ишохотлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, юртдошларимиз ҳаётида нималар ўзгарди, юртимиз иқтисодиёти нечоғли юксалди?

Давлатимиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсат тўғрисида Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз», деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарадорлигини юксалтириш бўйича тўб ишохотлар амалга оширилди. Бошқарув органлари фаолияти тақомиллаштирилди, қўлаб вазирилик ва идоралар қайта ташкил этилди, янги ташкилотлар тузилди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар халқимизнинг келажакка бўлган ишончини янада мустахкамлади.

«Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун», «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган олижаноб тамойилларга мувофиқ, халқ билан мулоқотнинг замонавий ва самарали тизими йўлга қўйилди. Бунда аҳоли билан доимий ва очик мулоқот ўтказилаётгани мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда 2018 йил Фаол тадбиркорлик, инновацияларни янгилаш ва технологияларни қўлаб-қувватлаш йили, деб эълон қилинди. Бу борада қабул қилинган Давлат дастурида 11 триллион 200 миллиард сўм ва 1 миллиард 300 миллион АҚШ доллари ҳажмидagi ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур ихросини таъминлаш учун кенг қўламли изчил ишлар олиб борилмақда.

Кейинги икки йилда мамлакатимиз бўйича 700 мингдан ортиқ киши иш билан таъминлангани, уларнинг асосий қисми тадбиркор-

Давоми. Бошланиш 1-бетда.

лик ҳиссасига тўғри келгани ана шундай сўй-ҳаракатлар самарасидир.

Мазлумотларга қараганда, малакатимизда аҳолининг реал умумий даромадлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоизга ўсган. Бу тадбиркорлик, оилавий бизнес, хизмат кўрсатиш, томирқа ҳўжалиқларини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Айни пайтда амалга оширилаётган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури ҳам тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган аҳоли ташаббусларини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида тизимли идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлашга қаратилган билан аҳамиятлilдир.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил давом эттириш мақсадида қабул қилинган «Ёшлар — келажакимиз» Давлат дастури ҳам ўғил-қизлар учун имкониятларни янада кенгайтирди. Ўшбу дастур ихроси учун 786 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Бунинг натижасида 100 мингдан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланган.

Дастур доирасида 46 та туман ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида «Ёшлар меҳнат гузар» ва «Ёш тадбиркорлар» маркази барпо этилмоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳўқўқ тизимини янада ислох қилиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилаётди. Ҳўқўқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш, «Қонун ва адолат — устувор», «Жиноятга жазо муқаррар» тамойиллари ва «Жиноятчиликка қарши курашиш ҳўқуқини ва адолат» широри остида олиб борилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда.

Халқимиз бугунги ишохотлар самарасини ўз ҳўрғи мисолида ҳис этаётди. Замонавий ўй-жўш ва истеъмол товарларга эга бўлиш билан бирга, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби ҳўрғи эҳтиёж учун ҳам шароит ва имкониятлар кенгаймоқда.

Аҳолининг ҳўрғи даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгилаш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирди. Одамларнинг фикри, дўнҳараши ўзга-

риб, қишлоқда турмуш маданияти ошаётди. Мазкур дастурлар доирасида 416 та қишлоқ ва 105 та маҳаллада қурилиш-ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда.

Одамларнинг замонавий ўй-жўйга бўлган талаб ва эҳтиёжи асосида 2017 йилда мамлакатимиз бўйича 8 минг 121 оилага мўлжалланган 191 та арзон, қўп қаватли ўй-жўй барпо этилган. Бу эзгу ташаббус жорий йилда ҳам давом эттирилиб, шу кўнларда яна 335 та қўп қаватли турар жўй фойдаланишга топширилмоқда. Юртимиз бўйича 13 минг 900 дан ортиқ оила янги хонадонларга қўчиб киради. Бу 2017 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Жаҳон ҳамжамияти, айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янада яхшиланди. Президентимизнинг илк ташрифлари қўшни давлатларга бўлди. Ўзаро рақобат эмас, ҳамкорлик қилиш тамойили иқтисодий имкониятларни кенгайтирди, минтақавий ҳавфсизлик, миллатлараро тўтулчини янада мустахкамлади.

Халқаро экспертлар давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсатини юқори баҳолаб, мамлакатимизнинг тинчлик-парвар, прагматик ташқи сиёсати тўғрисида Марказий Осиё минтақасидаги қўшни давлатлар билан ўзаро ишонч ва дўстликнинг тикланиши муҳим воқеа эканини таъкидламоқда.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тўтулмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Бунинг Президентимизнинг жорий йилда Тожикистон, Қўзғоғистон, Америка Қўшма Штатлари, Хитой ва Туркменистонга ташриф билан боргани, Туркия, Туркменистон ва Тожикистон давлатлари Президентлари Ўзбекистонга ташриф билан келгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ҳўқуқлар байрам томошасида турли тилларда янтраган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида яққол намоён бўлди.

Байрам тадбирлари мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

Алоуддин ҲАҲҲОҲОВ,
ЎЗА муҳбири.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Истиклол шўқуқи кезиб юрган шу кўнларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармони билан турли жабҳаларда кўп йиллардан бўён самарали меҳнат қилиб келаётган юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари — орден ва медаллар билан тақдирланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу йил мазкур мукофотлар ўз эгаларига энг улўғ, энг азиз айём арафасида тантанали тарзда топширилмоқда. Бу эса мустақиллиқнинг қадрини янада тeранроқ англашда, байрамга кўтаринки руҳ, қувончга қувонч қўшишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Президентимизнинг 2018 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат ҳамда ижтимоий соҳалар ҳодимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони асосида юртимизнинг нуфузли унвон, орден ва медалларига муносиб топилган



ҳамюртларимизга мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти, «Меҳнат шўқуқати» ордени соҳиби Х.Лўтфуллаев, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўрин-

босари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Л.Мўминова, «Усто» уюшмаси аъзоси, уста қўлол, «Дўстлик» ордени соҳиби С.Иванов маънавий ҳўрғимизни юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада раванқ топтириш, иходкор зиялиларни ҳар жиҳатдан қўлаб-қувватлаш йўлидаги чексиз ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Буларнинг бари Президентимизнинг маънавиятга, маданият ва санъат, илм-фан, таълим ривожига кўрсатаётган эътиборининг ёркин намунаси, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Ёдгор Саъдиев. — Наинки менинг фаолиятим, балки бутун театримиз, иходий жамоа, сахна фидойилари меҳнатига берилган энг ҳолис баҳо шу орденда мужассамдир.

Тантанали тадбирда мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ

бугунги сиёсатимизнинг бош мақсади

Қизилгул ҚОСИМОВА,
халқ депутатлари Тошкент вилояти
Кенгашидаги ЎЗАХДП гуруҳи аъзоси,
Оҳангарон тумани туғуруқ комплекси
бош шифокори:

— Инсон саломатлигига бўлган эътибор тўғрисида Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида болалар шифохонаси, оилавий ҳамда кўп тармоқли поликлиника, тез тиббий ёрдам бўлими қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ врачлик пунктлари негизида вилоятда 74 оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилди. 58 таси қишлоқ врачлик пункти сифатида қайта ташкил этилди. Улар қўшида тез тиббий ёрдам шохобчалари, ижтимоий дорихоналар фаолияти йўлга қўйилди. Поликлиника ва врачлик пунктларида тунги наватчилик йўлга қўйилди. Тиббиёт ҳодимлари учун ўй-жўйлар қурилди.

Шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада тақомиллаштириш мақсадида Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази негизида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали иш бошлади.

Ўтган қисқа вақт ичида туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларига 116 «Дамас», 9 «Ниссан» ва 10 «Хўндай» русумли тез тиббий ёрдам машиналари ажратилди. Тез тиббий ёрдам қақуриуви учун дори-дармон таъминоти икки баробарга оширилди.

Шунингдек, вилоятимизда бугунги кунда 316 ҳусусий тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Шунинг айтиш жоизки, бундай шифо масканларининг энг кўпи, яъни 31 таси Олмалик шаҳрида жойлашган.

Сирожиiddин Йўлдошев,
халқ депутатлари Булоқбоши туман
Кенгашидаги ЎЗАХДП гуруҳи раҳбари:

— Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи вақтида оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида «Ҳар бир оила — тадбиркор» ташаббусини билдирганди. Кўп ўтмай ўшбу йўналишда давлат дастури қабул қилинди. Унга кўра, олис ва табиий-иклим шароити оғир ҳудудларда турмуш сифати ва даражасини сезиларли равишда ошириш назарда тутилган. Айни вақтда ҳудудларда дастур ихроси таъминланмоқда. Хусусан, вилоятимиз учун 200 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилди. Ўтган давр мобайнида Булоқбоши туманида дастур ихросини таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ортиқча қўзғозилишларисиз берилиши йўлга қўйилди. Биргина «Ағробанк»дан 182 оилага жами 4 миллиард 868 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Шундан 107 оила қўйиш, 31 оила қўроқол парваришлаш, 13 оила трикотаж маҳсулотлари ишлаб қириқилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Халқ банки томонидан 85 оилага 1 миллиард 223 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари берилди.

Елмурат ТОРЕНИЯЗОВ,
Қўрақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгесидаги ЎЗАХДП фракцияси
раҳбари:

— Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги байрам арафасида Нўкус шаҳрида эҳтиёжманд, бовувчисини йўқотган 42 оилага ўй-жўй калити топширилди.

Нўкус халқаро аэропортининг меҳмонхонаси бўлган ишоот кўп йиллардан бўён қаровсиз қолган. Бу ёрда кенг қўламли қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилади. Яшаш учун барча шароитлар яратилди. Эҳтиёжманд,

ногиронлиги бўлган ёки бовувчисини йўқотган, ўй-жўйга эга бўлмаган фуқароларга байрам арафасида ёрдам тариқасида бепул берилди. Ҳар бир хонадон алоҳида сув иситиш тизими билан таъминланган. Ҳовлида болалар майдончаси ташкил этилган.

Жорий йилда Қўрақалпоғистон Республикасида 100 нафарга яқин эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган шахсларга бепул ўй жўй тақдими этилди. Жўмладан, Нўкус шаҳрида 42 оилага, Қўнирот туманида 12 оилага ўй жўйлар тақдим этилди. Шунингдек, Нўкус шаҳри «Қўм-би овул» МФЙ ҳудудида истикомат қилувчи бовувчисини йўқотган, фарзандлари ногирон 6 нафар хотин-қизга имтиёзли равишда уйларнинг бошланғич бадал тўловлари давлат томонидан тўлаб берилди.

Саидумар МАҚСУДОВ,
халқ депутатлари Бўқор вилоят
Кенгашидаги ЎЗАХДП гуруҳи аъзоси:

— Бўқор вилоятида Марказий Осиёдаги энг йирик ишоотлардан бири бўлган Қандим газини қайта ишлаш мажмуаси учун ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3 миллиард доллардан ошди. Ўшбу қурилишга юқори малакали хорижий мутахассислар ҳам жалб қилинди.Мажмуа ва инфратузилма объектларини барпо этишда 10 мингга яқин ишчи-мутахассис қатнашди.

Қандимдаги ноёб мажмуада йилига 8 миллиард куб метрдан ортиқ табиий газ қазиб олиниб, тозаланган газдан барқарорлаштирилган конденсат ҳамда олтингурут каби экспорт-боп маҳсулотлар тайёрланган. Қўроқонага табиий газ Қандим, Қўвачи-Олот, Порсонқўл, Ҳўжи каби қўнлардан кўтазиб берилмоқда. Мўҳими шундаки, 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари, замонавий ижтимоий инфратузилма тар-

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ ЯШАЙДИ

Эл-юртимиз озодлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номуси, миллий қадриятларимизни ҳимоя қилишда, мустақиллақчиликка қарши машаққатли курашларда қўрбон бўлган юртдошларимиз хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонлар умри ҳазон билганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қўлаб гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай фидойиси ва матонатли ўғил-қизларининг хотирасини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгига ўтганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром тўйгуларини юксалтириш мақсадида 2001 йилдан бўён ҳар йили 31 август мамлакатимизда Қатагон қўрбонларини ёд этиш кўни сифатида нишонланиб келмоқда.

Қўрбон бўлганларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ва «Қатагон қўрбонлари хотираси» музейи бунёд этилди. Бу масканлардан зияратчилар қадами узилмайди.

...31 август. Эрта тонг. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қўрбон бўлган марҳўмларни ёд этиш маросими ўтказилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Анъанага кўра ош тортилди. Қўрбон тиловат қилиниб, қатагон қўрбонлари руҳига ҳурмат баҳо келтирилди.

Президентимиз диний уламолар, жамоатчилик вакиллари, таълим соҳаси мутаассидлари билан сўхбатлашди.

— Ватанпарвар инсонларни эъозлаш, ёшларни миллий гурур руҳида тарбиялаш, уларда буюқ аждодларимиздек мард ва жасур бўлиш тўйғусини юксалтириш лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг учун Ўзбекистон Ислам академияси, Ислам цивилизацияси маркази ва олий таълим муассасалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, таълим дастурларини тақомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз 2017 йил 31 август кўни ўтказилган маросимда аждодларимизнинг Ватан озодлиги ва халқимиз тинчлиги йўлидаги кураши бугунги кўн ёшлари учун ибрат мактаби эканини таъкидлаб, ҳар бир вилоятдаги университет ва институтлар қошида Қатагон қўрбонлари хотираси музейи филиалларини ташкил этиш, қатагон қўрбонлари хотираси бўйича мактабда махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берган эди.

Ўшбу топшириқларга асосан 2017 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қўрбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатагон қўрбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида Қўрақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатагон қўрбонлари хотираси музейлари ташкил этилмоқда.

ОРОЛБҮЙИ МУАММОСИДА

амалий ҳаракатлар, минтақавий ҳамкорлик

Маълумки, Орол денгизи фожияси натижасида юзага келган сув ресурслари танқислиги кескинлашди, чулғаниш кучайди, биохилма-хиллик камайиб, иқлим ўзгаришлари ҳолатга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса нафақат минтақамиз, балки дунёдаги экологик муаммога сабаб бўлмоқда. Албатта, мазкур муаммо атроф-

муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонда жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Давлатимиз раҳбари Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари иштирокидаги мажлисда ушбу масала бўйича қатор амалий таҳлилларни илгари сурди.

Орол фожияси оқибатларини юмшатишда минтақа мамлакатларининг ҳамкорлиги юзасидан муҳим аҳамиятга эга йўналишлар мажлисда қўллаб-қувватланди.

Қорақалпоғистонлик депутатлар, партиямиз фаоллари ҳам бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.



Бибигул ЕРЖАНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутати,
«Меҳнат шухрати» ва «Эл-юрт
хурмати» ордени соҳиби:

— Мен 1956 йили Мўйноқ туманида туғилганман. Болалигим Орол денгизининг мавжланиб турган соҳилларида ўтган, десам алашмайман. Тўғри, ўтган асрнинг 60-йилларидан денгизимиз суви камаё бошлади. Аммо 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошига келиб, бу масала йириклашиб, халқаро даражадаги фожиага айланишини хаёлимизга келтирмагандик.

Бир гал хизмат юзасидан Ленинградга борганман ва Фин бўғозини кўриш бахтига эришганман. Уша пайтда Орол денгизи ва ундаги Мўйноқ бўғози хаёлимдан ўтган. Чунки улар ўртасида ўхшашлик катта эди... Қалбимда армонларим бор. Улардан бири шуки, ўз вақтида яшил майдонлар

кўпайтирилиб, қарши чоралар кўрилганда, бугунги танг аҳволга тушмас-мидик, деб кўп ўйлайман...

1968-81 йиллар оралиғида Ўрта Осиё сув транспортлари фаолият олиб борган. Қозоғистон ва бошқа жойлардан катта-катта кемалар келарди. Савдотик ишлари ҳам яхши йўлга қўйилганди. Маҳаллий аҳоли ҳам асосан сув транспортидан фойдаланган. У пайтларда балиқ комбинати, балиқчи қайта ишлаш заводи фаолият юритар, кўпчилик аҳоли шу корхоналар ҳисобига оила тебратарди. Сув мўл-кўл бўлгани учун томорқамизда жўхори, картошка етиштирардик.

Эсимда, отам бизни соҳилга кўп олиб келарди. Мусаффо денгиз сувида микиб чўмилганмиз, чиниққанмиз. Энди денгиз портлари ҳам, мавжланаётган тўлқинлар ҳам хотираларимизда қолди...

Шукр, ҳозир Президентимиз қўлдан келганча шароит яратиб, одамларнинг турмуш тарзини яхшилашга ҳаракат қилипти. Буни яқинда Туркменистонда бўлиб ўтган саммит мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Туркманбоши шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисида давлатимиз раҳбари кўп яхши тақлифларни илгари сурди. Оролни асраш, вазиятни юмшатиш борасидаги фикр-мулоҳазалар барчанинг диққатини тортди. Ўйлайманки, у ерда муҳокама қилинган масала албатта, амалиётга татбиқ этилади ва ўз самарасини беради.



Кунзула НАСИРОВА,
Ўзбекистон ХДП
Мўйноқ туман кенгаши
раиси, «Дўстлик»
ордени соҳиби:

— Ёшим 53 да. 27 йилдан буён Халқ демократик партиясининг аъзосиман. Ишимизнинг қизиқ жиҳати, одамлар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни ўйлантираётган масалалар ҳақида билиб борамиз.

Масалан, охири пайтларда ишсизлик муаммоси кўпчиликни қийнаётган эди. Президентимиз фармони билан қабул қилинган дастур асосида олиб борилаётган чора-тадбирлар барчанинг жонига оро кирди. Чунки унда 72 лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ана шулардан бири Мўйноққа сув

олиб келиш эди. Хабарингиз бор, айна пайтда бизда бу борада муаммо йўқ. Хотин-қизлар, ёшлар, кам таъминланганларни иш билан банд қилиш борасида тизимли чоралар йўлга қўйилди. Одамларнинг турмуш даражаси ортмоқда. Аммо доим кўнглимизни тирнаб турадиган масала борлиги рости. Бу — Орол фожияси.

Орол денгизининг суви қайтаётгани ҳақида илк бор 1961 йилда маълум бўлган экан. У пайтда биз ҳали дунёга келмаган эдик. Лекин болалигим, ёшлигим денгизнинг гўзал манзараларидан баҳра олишга улгурди. Чегарадош давлатлар ўртасида сув транспортини ривожланган кезлар, Мўйноқ ҳам гуллаб-яшнаган эди. Ҳозир эса «кемалар қабристон» тарихини ёдга солиб турали, холос.

Бир неча йиллар аввал мана шу ерларда балиқ овланган, кемаларда одамлар ва юклар ташилганнинг айтсам, невараларим ишонмайди. Қум барханлари ўрнида денгиз мавжланарди, десам эртас эшиттандек жим қолишарди. Мўйноқда ҳатто аэропорт ҳам бўлган. Ту-134 самолётида Тошкент — Мўйноқ рейси йўлга қўйилган, одамларнинг узоғи яқин эди. Айна пайтда

эса унинг бўшаб қолган ўрнигина бор. Бироқ табиат олдида барчамиз ожизмиз. Уни асраб-авайлаш эса бурчимиз саналади.

Президентимизнинг Туркменистонда бўлиб ўтган саммитда сўзлаган нутқини биз катта ҳаяжон билан тингладик. Орол муаммоси минтақа ҳаёти ва келажига дахлдор долзарб масала экани, шунинг учун ҳам сув ва экология билан боғлиқ масалаларда қозғолган амалий ишга ўтиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, минтақа давлатлари умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу фожиа оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, минтақанинг сув ва экология билан боғлиқ муаммоларига ечим топиш бўйича барча сайё-ҳаракатларини бирлаштириш лозим, деган фикр-ни илгари сурди.

Бу тақдир умумий муаммоларни ҳал этиш ва таҳдидларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Биз Оролга эътиборни минтақада яшайдиган аҳолига кўрсатилган гамхўрлик, деб ҳисоблаймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ СУХБАТЛАР

Ахмад Чохари Чунг,

INTI халқаро университети
профессори (Малайзия):

— Ватандошларингиз чехрасидаги табассум, аъло кайфият Ўзбекистонда ҳукм сураётган оқолишлик ва фаровонликдан далолат беради. Мамлакатингизнинг бой маънавий-маданий ва тарихий ҳақида кўп ўқиганим боис, буларни ўз кўзим билан кўришга қарор қилдим. Қадимий шаҳарлардаги тарихий обидалар ва пойтахтингиздаги замонавий иншоотларни кўриб олам-олам таассурот олдим. Малайзия, Индонезия, Сингапур ва бошқа мамлакатлар фуқаролари учун Ўзбекистонга кириш визаси бекор қилинганидан жуда мамнунман. Буни жуда тўғри ва чуқур ўйланган, сайёҳлар оқими кўпайишига кўмаклашувчи қарор, деб ўйлайман. Ўзбекистон халқини мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклияман.

Мамлакатингиз раҳбарияти ва халқига бахт-саодат, фаровонлик, тинчлик ҳамда тараққиёт тилайман.

Сильван Рой,

сайёҳ (Канада):

— Яна бир марта, энди оилам билан юртингизга келишга қарор қилдим. Меннинг сафарим мамлакатингиздаги байрам шодоналарига тўғри келганидан хурсандман. Ўзбекистон фуқаролари учун мустақиллик куни бу катта ва ёрқин байрамдир. Байрам арафасида одамлар қалбиди чексиз қувонччи кўрдим. Сизнинг халқингиз мустақиллик кунини юксак фахрифтихор туйғуси билан қутиб олмақда.

Ўзбекистонда бешинчи кун бўлишим. Самарқанддаги тарихий ёдгорликлардан, айниқса, Регистон майдонидан унутилмас таассурот олдим. Обод қўчалар, кўм-кўк боғлар, одамларнинг чехрасидаги табассум кишини қувонтиради.

Наталья КЛИМЕНКО,

Россия, Астрахань:

— Ўзбекистонга келганимизга бир кунгина бўлди. Турмуш ўртоғим билан юртингизда биринчи марта бўлишимиз. Тўғриси, Тошкент, умуман, Ўзбекистон тасаввуримиздагидан катта фарқ қилар экан. Одамлар чехрасида самимият балиқиб тураркан. Ўзгаришлар, янгиланишлар катта. Меҳмонхонада кўрсатилаётган хизматдан мамнунмиз.

Бизнинг суҳбатимиз Ўзбекистоннинг мустақиллик байрамига тўғри келганидан хурсандмиз. Тошкент кўчалари озода, тоза, гуллар, дарахтлар кўп экан. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қандай юксак ютуқларга эришяётганини Тошкент мисолида ҳам билса бўлади. Энг муҳими, халқингиз меҳмондўст, ҳамманинг юзюзида табассум.

Саёҳатимиз давомида Самарқанд ва Бухорога ҳамда Чорбоқ дам олиш масканига боришни режалаштирганимиз.

Гулбаҳор ҲАЙИТОВА,

Сурхондарё вилоятидан келган
меҳмон:

— Ёшим 85 да. Кўп оғир кунларни кўрдик. Урушчи ҳам, қаҳатчиликни ҳам бошдан ўтказдик. Умримиз пахта далаларида ўтди. Эрта баҳордан тортиб декабрь ойигача даладан чиқмасдик, ёмғир, қор остида пахта теришга мажбур эдик. Қўлларимиз шилиниб, қавариб кетарди. Егани номиниз бўлмаса, кунжара ердик...

Болалигимиз ёдимда, оч-юпун ҳолда мактабга борардик. Мактаб деганимиз эски бир қулба эди. Томидан чакки ўтарди, қишда совуқдан қўлларимиз ручкани ушлай олмас эди. Худога шукр, ўша давр ўтди. Мустақил бўлди. Биз ёши улғулар мустақиллик кўнлини бошқалардан яхшироқ биламиз. Эски замонда кўп азоб-тортқимизда. Худога шукр, ҳозир юртимизда тинчлик, тўқинчилик. Кишлоқларда қурилаётган уйлари кўриб, кўз яйрайди. Айниқса, Президентимиз эътибори билан кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар учун арзон уйлар қурилаётганидан ҳаммамиз хурсандмиз. Ўтган йили Самарқанд ва Бухорога борган эдик. Энди Тошкентга келдик. Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб юришимиз. Бизнинг момолар саёҳат нималигини билишмаган. Қўплари вилоят марказини ҳам кўрмаган.

Мустақиллик шарофати билан биз қадр кўрдик, турмушимиз ўзгарди, ҳамма ерда ободлик. Илоҳим, мустақиллигимизга, тинч-лигимизга кўз тегмасин.

Давоми. Бошланғич 1-бета.

ФАРМОН ВА ИЖРО

АФВ ЭТИЛГАНЛАРНИНГ КўПЧИЛИГИ БАЙРАМНИ ЎЗ УЙИДА НИШОНЛАЙДИ

Мустақиллик аталган бебаҳо неъмат халқимизга нафақат жаҳон айвоғида тенглар ичра тенг бўлиш бахтини, балки умум-этироф этилган инсон ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имконини бери.

Давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлган Бош қомусимизда инсоннинг эркин яшаш, ўқиш, ишлаш, ижтимоий ҳимояланиш каби асосий ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланди. Энг асосийси, инсон ҳуқуқлари — олий қадрият этиб белгиланди.

Фуқароларга берилган бу имкониятлардан барча бирдек, шу жумладан, ҳаётда билиб-билмай адашган кишилар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Зеро, халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик қоялари давлатимиз сиёсатининг туб моҳиятида мустаҳкамлаштирилган.

Кунни кеча Президент Шавкат Мирзиёевнинг афв этишга оид яна бир фармони эълон қилинган юртимизда инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида тан олинганнинг яна бир ёрқин намоёни бўлди.

Қайд этиш керакки, давлат раҳбарининг 2017 йил декабрь ойида Конституциямизнинг 25 йиллиги арафасида эълон қилинган фармони билан мамлакатимиз тарихида илк мартаба 2 минг 700 нафар маҳкумини, жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишдан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахслар афв этилган эди.

2018 йил 12 июнда Рамазон ҳайити муносабати билан эълон қилинган афва оид Президент фармони билан билиб-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон

бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озоликлдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 226 нафар фуқаро афв этилди.

Ватанимиз Мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида, яъни 2018 йил 30 августда Президентимиз «Озоликлдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Халқимизнинг энг улғу байрами арафасида Президентимизнинг афв этишга оид фармони эълон қилинган халқимизга хос меҳр-шафқат, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик каби эзгу фазилатларини янада юксак намоён этди, — дейди Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари, ИИВ жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғи Баҳромбек Одилов. — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ қабул қилинган фармон билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озоликлдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар фуқаро афв этилди.

Фармонга мувофиқ, 215 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиниб, оиласи ва яқинлари бағрига қайтарилди. Шунингдек, 46 нафар шахсга тайинланган озоликлдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 5 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 135 нафарини таққилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Айни пайтда фармон ижросини таъминлаш, афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш чоралари кўриломоқда.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида фармон ижросига оид тадбирлар бўлиб ўтди.

Афв этилганлардан бири — чирчиқлик Хуршид Маматқуловдир. У Ўзбекистонда таққилланган диний ташкилотларга аъзо бўлгани учун озоликлдан маҳрум этилган эди. Қилмишдан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, муҳими, ҳаётда тўғри йўл танлашни мақсад қилган Хуршид қамоқдан озод бўлиб, яқинлари бағрига қайтди.

Андижонлик Мархабо Азизова ҳам диний экстремистлар қутқусига учганлардан бири эди.


Уйлан, фарзандларимдан айро тушгандагина оқибатини ўйламай иш қилганимни тушунин, — дейди М.Азизова. — Аёл учун юртининг тинчлиги, фарзандлар қамолоти аслида катта бахт экан. Хатоларимни тушуниб, Президентимизга кечирим сўраб мурожаат қилган эдим. Мени бағрикенглик қилиб кечирганларидан беҳад миннатдорман. Байрамни уйда, болаларим билан нишонлаш бахти насиб этаятганидан қувончман чексиз. Бунинг учун бағрикенг халқимиздан қарздорман, албатта.

Бугун нафақат афв этилганлар, балки уларнинг яқинлари, оилаларига ҳам катта хурсандчилик туғдирмоқда.

Фармонга кўра, афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун тегишли ташкилотлар барча зарур бўлган кўмакни кўрсатишди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

«МАРД ЎҒЛОНЛАР НОМИ БАРҲАЁТ»



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ушбу китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбирда Мудофаа вазири ўринбосари Хуршид Рўзиев ва мард ўғлонларимизнинг ота-оналари, оила аъзолари иштирок этди.

Китобнинг сўзбошида айтилганидек, ўтган йиллар давомида давлатимиз мустақиллигига чанг солувчи бир қатор таҳдид ва ҳужумлар бўлди. Лекин Ўзбекистон ушбу

таҳдидларга қарши чуқур ўйланган сиёсат билан курашди. Натижада эл-юртимизнинг оқолишга ҳаёти таъминланди. Орадан йиллар ўтди. Мустақиллигимизни ҳимоя қилиш йўлидаги оғир курашларда юз берган талафотлар ўрни қопланди, шикастланган бинолар тикланди. Бироқ қурбон бўлганларнинг оилаларига етган зарарни, айниқса, фарзандларидан айрилган ота-оналар, етим бўлган болалар, тул қолган аёллар қалбиди яраларини битказиш қийин. Шу боис, сўнгги нафасига қадар ҳарбий қасамедига содиқ қолган Ўзбекистон фарзандларининг пок хотирасини қалбимизда авайлаб сақлаган ҳолда, улар эриша олмаган орзу-умидлар учун ҳам янада катта куч-ғайрат билан ишлашимиз, ҳаётдаги, жамиятдаги иллатларга қарши бир тану бир жон бўлиб курашмоғимиз лозимлиги тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидланди.

Тақдиротда Ватан олдидаги бурчини ало этиш чоғида ҳалок бўлган мард ўғлонларнинг оила аъзоларига ва тадбир иштирокчиларига ушбу китоб тақдим этилди.

Китоб «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа уйида 10 минг нусхада килириб алифбосида чоп этилди. Яна ўн минг нусха лотин алифбосида чоп этиляпти.

Шаҳбоз САИДОВ

Мутахассис фикри

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ

қандай амалга оширилади ва у нимага хизмат қилади?



Мамаюнус ПАРДАЕВ,
СамИСИ профессори,
иқтисод фанлари доктори.

Бугун бутун дунё бўйича иқтисодиётнинг интеграциялашуви, ахборотларнинг глобаллашув жараёни содир бўлмоқда. Бундай шароитда фақат моддий бойликларни (мулкни) сотиб кун кўриш қийин. Моддий мулк ва бойликларнинг чегараси бор. Шу тўғрисида янги ғоя, янги фикрга асосланган интеллектуал мулк дунё микёсида ўзининг қиймати, баҳоси ва бозорига эга бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидай: «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади».


Мамлакатимизда кейинги бир йил ичида Президентнинг мазкур соҳага доир 11 фармон ва қарори қабул қилинди. Мамлакатимизда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтисодий ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланди. Илмий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион доллар грант ажратилиши қўзда тутилмоқда. Бу ўз навбатида интеллектуал мулк эгалари, яъни илмий-тадқиқот институти ходимлари ойлик маошларининг бир неча баробар оширилишига олиб келади. Бундан ташқари, ушбу мулкни яратишга рағбат уйғонади. Раг-

бат бор жойда интилиш, тақомиллаштириш жараёни содир бўлади.

Инновация барча ривожланган давлатларда мамлакат келажагини белгилайди. Шунинг учун инновацион ғояларни амалга ошириш, инновацион ёндашувларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ва унинг олдида нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажариш вазифаси қўйилди.

Узоқ йиллар давомида мамлакатимиз хомашё базаси сифатида пахта етиштириш билан шуғулланиб келди. Энди аста-секинлик билан пахта майдонлари қисқариб, ўрнига мева-чевалар, полиз экинлари ва бошқа маҳсулотлар экилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, пахта жуда катта харажат ва меҳнат эвазига етиштирилади. Ушбу хомашёни 1 йилда 1,8 миллиард долларга экспорт қиламиз.

Бу пахтадан олинган жами тушум. Унинг фойдаси ҳақида ҳали гап кетмапти. Аммо мева-чевалар, полиз экинлари ва бошқа маҳсулотлар йилга 20 миллиард доллар миқдорда хорижга экс-



порт қилинмоқда. Уларни етиштириш пахтачилик каби меҳнатни, харажатни ва вақтни талаб қилмайди. Шу тўғрисида аста-секинлик билан пахтани хомашё сифатида экспорт қилишни чегаралаймиз. Энди етиштириладиган пахта асосан ўзимизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот даражасига етказилиб экспорт қилинади.

Бизга нима учун инновация кераклиги ҳусусида ортиқча изоҳнинг ҳолати йўқ, деб ўйлаймиз. Чунки технологик тараққиёт жиҳатидан қай даражада эканлигимиз ҳаммага аён. Эндигина механизациялаштирилган технологиядан автоматлаштирилган технологияга ўтмоқдамиз.

Ҳозиргача олий ўқув юртинининг асосий вазифаси ўқув билан шуғулланишга қаратилган эди. Аммо энди улар фақат назарияга эмас, балки технологияларни яратадиган илмий-тадқиқотлар билан ҳам шуғулланиши лозим. Чунки инновацион ғоя ва ишланмаларни тижоратлаштириш масаласи кун тартибда турибди. Бу эса назарияни амалиёт билан, амалиётни ўқув жараёни билан chambarchas bogliqlikда олиб боришни тақозо қилади.

Навбатдаги босқич инновацион ғоялар асосида яратилган технологияларни амалиётга жорий қилинишини таъминлашга қаратилмоғи лозим. Фан назарий ва амалий йўналишда бўлгани тўғрисида

бирортасини инкор қилиб бўлмайди. Интеллектуал салоҳиятни ошириш учун назария зарур, иқтисодиётни ривожлантириш учун уни амалиётга татбиқ этиш керак. Инновацияда ҳам назарий, ҳам амалий билимлар мужассам бўлади.

Ҳозир одамлар интернетдан ахборот излайди. Демак, фанни ҳам улар ўқийдиган даражада интернетга жойлаштириш масаласини кўриш вақти келганга ўхшайди.

Иқтисодий болалар дунё бўйича умумий болаларнинг 8-10 фоизини ташкил қилади. Ана шулар инновацияни яратадиган. Аммо уларни топиш, тарбиялаш ва юқори чўққигача эътибордан чиқармаслик масаласи ҳар бир миллат ва давлат учун муҳимдир. Одатда иқтисодий болалар маълум босқичда ўз иқтисодини номоён қилади. Аммо унда иқтисодини давом эттиришга шароит бўлмаса, шу ҳолатда қолиб кетаверади. Иқтисодий ёшларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди ва улар маълум манзилгача давлат эътиборида бўлиши лозим.

Инновацияни болаларга ёшликдан ўргатиш керак. Буни уларга оддий йўл билан ҳам синдириш мумкин экан. Мисол учун, Хитойда ёш болалар газета сотишга жалб қилинбди. Улардан бири ҳар кун газета ўқийдиган одамларни кузатиб, билиб олибди, газеталарнинг

янги сонини олган заҳоти ўшаларга бепул тарқатиб чиқибди. Пулини эса кейинроқ йиғиб олибди. Шу тариқа у катта муваффақиятга эришибди.

Ҳозир мамлакатимизда индустриал иқтисодиётдан интеллектуал (билимлар) иқтисодиётга ўтилмоқда. Индустриал иқтисодиёт маҳсулотнинг ўзига яраша баҳоси ва бозори бор, аммо интеллектуал иқтисодиёт маҳсулотининг баҳоси аниқ белгиланган эмас. Белгилаш тартиби ҳам ишлаб чиқилмаган. Бу борада махсус ташкил қилинган Инновация вазирлиги шуғулланмоғи лозим.

Ҳар қандай мустақил давлат бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган моддий ва интеллектуал бойликлар истеъмолчиси бўлиб қолмаслиги керак. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг биринчи босқичида бошқа давлатлар технологияларини жорий қилиш эвазига ривожланиш мумкин. Биз ана шу босқични бошимиздан кечирмоқдамиз.

Иккинчи босқичда ўзимизни ўзимиз юқори технологиялар билан таъминлашимиз лозим. Учинчи босқичда юқори технологияларни сотиш билан, экспорт қилиш билан шуғуллансакгина жаҳон давлатлари миқёсида юқори муваффақиятларга эришамиз. Яна битта масала давлатнинг ташқи қарздорлиги мамлакат ЯИМга нисбатан 50-60 фоиз бўлса етарли экан. Ушбу меъёрдан келиб чиқиб, фазолиятни ташкил қилиш мумкин.

Фойдага эришишнинг жаҳонда тан олинган 2 йўли мавжуд: биринчиси харажатларни тежаш ва иккинчиси даромадларни кўпайтириш эвазига амалга оширилади. Қайси йўл маъқуллигини ҳар бир давлат ва тadbirkor ўзи танлаши лозим. Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши жамият фаровонлигини таъминлашга кафолатли хизмат қилади.

Китоб тақдироти


ЧЎЛПОН ҲАҚИДА РОМАН

Мустақиллигимизнинг 27 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёзувчи Наби Жалолдиннинг маърифатпарвар адиби Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳаётига бағишланган «Тегиримон» романининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Чўлпон ўзбек шоирларининг орасида адабиётимиз хазинасини бойитган энг буюк, энг жасоратли иқтидор эгаси бўлган, — деди академик Наим Каримов. — Мана шундай буюк инсоннинг сермашаққат ҳаёти ва ижод йўли, унинг тортган азоб-уқубатлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу романи ёзишга қўл уришнинг ўзи жасорат, хайрли иш деб ҳисоблайман.

Китобда Чўлпон ҳаёти ва ижоди тарихий мисоллар асосида ёритилган. Шу боис китобда Мунавварқори, Фитрат, Қодирий образлари акс этган. Ўзбекистон мустақилликка эришган, Чўлпон номи тикланди, халқни истиклолга даъват этган асарлари ҳар бир ҳондонга кириб борди. Унинг 100 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланди ҳамда Андижонда Чўлпон уй-музеи ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу асар Чўлпон ҳаётини янада чуқурроқ билишга хизмат қили-



ши, ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий тарихимизни ўрганишдаги аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Зиёда ЖАМОЛОВА,
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси.

Тадбир

БАТАН МЕҲРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрамига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда. «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Мустақиллик ютуқлари» номли суратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Она замин барчамиз учун муқаддас. Унга бўлган меҳрини ҳар ким турлича намоён этади. Кимдир шеър-газаллар билан мадҳ этса, кимдир қўшиққа солади. Мўйқалам усталари эса бу туйғуларини яратган асарларида акс эттиради.

Кўргазмада Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, Камолдин Бехзод номидаги Республика рассомчилик коллежи ўқитувчиси Зухриддин Исмоиликов ва унинг шоғирдлари ижоди намуналаридан 50 дан зиёд асар намоиш этилди. Уларда она табиатимизнинг гўзал манзаралари, юртимизда қад ростлаган бинолар, замонавий турар-жойлар, шунингдек, Ватанимиз сарҳадларини

қўриқлаб турган мард ва жасур чегарачиларимиз ҳамда мустақил ўлкаимизнинг ютуқларидан шод ва хуррам, юзида қувонч уфуриб турган юртдошларимизнинг сиймолари акс этган.

Таъкидлаш керакики, Зухриддин Исмоиликовнинг бир қанча асарлари республикаимизнинг кўпгина санъат музейлари, шунингдек, Германия, Туркия, Япония, Бельгия, АҚШ каби мамлакатларнинг машҳур коллекцияларидан жой олган.

Тадбирда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди президенти Татьяна Каримова, фонд бошқарув раиси Светлана Иномовалар иштирок этди.

Мафтуна МИРЗАХУЖАЕВА

Байрам қутловлари


«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ»



акциядорлик
компанияси жамоаси:

— Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан мукофотланганлар орасида ҳамкасбларимиз борлигидан ниҳоятда севиндик.

«Ўзбекнефтогаз» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари — «Ўзнефтогазқазибчиқариш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Қобул ТҲУХТАЕВ «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирлангани барчамизни бирдек қувонтирди. Уни қутлаймиз, келгусидаги ишларида муваффақиятлар тилаймиз!



«ТЕЗИНТОМ»

Ўзбекистон халқини
мамлакатимиз

Мустақиллигининг
27 йиллиги билан
муборакбод этади!

Истиқлол шуқуҳи
дилларимизни мунаввар этаверсин!

ЮРТИМИЗ ТИНЧ,
ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОРЛОҚ БЎЛСИН!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси (ТОЭМЗ-1).

Мўлжал: метронинг «Буюк Ипак йўли» бекати.

Телефонлар: (0-371) 262-42-74; 269-04-37; (+99893) 180-30-05.

Факс: 262-41-05. E-mail: tezintom@rambler.ru


Маҳсулотлар сертификатланган.



«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик
жамияти тизимидаги

«203-ТАЈРИБА ҲО'Л MASHINA STANSIYASI» жамоаси

халқимизни мамлакатимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 27 йиллиги
билан табриклайди.
Мустақиллигимиз абадий,
тинчлигимиз барқарор бўлсин!




Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган
юртдошларимизнинг барча орзу-умидлари рўёбга чиқаверсин!



«ФАРҒОНА ЁҒ-МОЙ»

акциядорлик жамияти жамоаси

бағрикенг, бунёдкор халқимизни ҳамда
ҳамкасб соҳа ходимларини мамлакатимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 27 йиллик
БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.



Она диёримизда тинчлик, хонадонларда тотувлик,
кўнглиларда шукроналик ҳамиша бардавом бўлсин!



Энг улуг ва энг азиз айёмингиз
муборак бўлсин, азизлар!



Маҳсулотлар сертификатланган.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

акциядорлик-тижорат
банки жамоаси

халқимизни
мамлакатимиз
Мустақиллигининг
27 йиллиги билан
табриклайди
ҳамда юртдошларимизга
байрам тухфаси
сифатида
«МКВ Mobile» масофавий
онлайн дастури орқали
«Истиклол-27 онлайн»
омонат турини таклиф
этади!

«Микрокредитбанк» билан
мақсад сари дадил қадам!

Мурожаат учун телефон:
(+99871) 202-99-99.

www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

Агробанк жамоаси барча
юртдошларимизни ҳамда банк
мижозларини энг улуғ ва энг азий айём –
Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги
билан қутлайди!

ШУ БИЛАН БИРГА ҲАМ ҚУЛАЙ,
ҲАМ ДАРОМАДЛИ БУЛГАН ОНЛАЙН
ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Миллий валютадаги
“ONLINE AGRO”
омонати

- омонат муддати – 13 ой
- фоиз ставкаси – йиллик 14 фоиз

“Agrobankmobile” иловаси ёрдамида пластик картадаги
маблағлар қабул қилинади. Фоизлар кунлик пластик
картага ўтказиб борилади. Қўшимча бадаллар қўшилмайди.

Агробанкнинг жисмоний шахслар
учун мўлжалланган миллий ва хорижий валютадаги
омонат турларига маблағингизни
жойлаштиринг ҳамда даромадга эга бўлинг!

Агробанк инновацион
хизматлари Сиз учун!

/AgrobankChannel

Agrobank Mobile иловасини юклов олинг

www.agrobank.uz

tel. (+99871) 203 88 88

/agrobankuzbekistan

App Store

Google Play

Хизматлар лицензияланган



«ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТЗАХИРА»

уюшмаси жамоаси

юртимиз тинчлиги ва халқимиз
фаровонлиги йўлида меҳнат
қилаётган барча юртдошларимизни
Ватанимиз Мустақиллигининг
27 йиллик байрами билан
муборакбод этади.

Бунёдкорлик руҳи устувор бўлган
ҳаётимиздан ҳеч қачон
файзу барака аримасин!





СИРДАРЁ ИЭС

жамоаси табриги ва тилаклари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланган энергетика соҳасига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бир қанча янги қувватлар ишга туширилди, деярли барча электростанциялар ва электр тармоқларида модернизация ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди.

Сирдарё ИЭСнинг 3-4-блоклари ҳам тўлиқ модернизация ва реконструкция қилинади. Ўшанда бугун қуввати 220-240 МВт.га тушиб қолган бу энергоблоклар 325 МВт. қувват билан ишлашга қодир бўлади, бунинг устига 100 минг тоннадан ортиқ ёқилғи тежаб қолинади.

— Бизни қувонтирадиган вазифалардан бири шуки, — дейди **Сирдарё ИЭС директори, сенатор, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Мирзааҳмад Шаимов.** —

Ҳукуматимиз ташаббуси билан қўшимча равишда 4 та ПГУ типдаги энергоблоклари қурилади. Ҳар бирининг қуввати 450 МВт. бўлган бу энергоблоклар икки босқичда, яъни 2018-2020 йилларда ишга туширилиши мўлжалланган. Бу лойиҳа амалга ошгач, минглаб иш ўринлари яратилади, шаҳримиз янада гуллаб-яшнайд.

Мустақиллик байрами арафасида шуни қувонч билан айтамызки, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида 10,0 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди ва режа 102,1 фоизга бажарилди.

Мамлакатимизнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондиришга катта ҳисса қўшиб келаётган Сирдарё ИЭС жамоаси барча юртдошларимизни, хусусан, энергетика соҳаси ходимларини Истиклолимизнинг 27 йиллик байрами билан табриклайди. Хонадонларингиз доимо нурга, қалбингиз қувончга тўлсин!



O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938. 6736 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'za yakuni — 23:43.

Topshirilgan vaqti — 01:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш
учун QR-кодни телефонингиз орқали
сканер қилинг.

1 2 3 4 5